

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқукида
УДК 336.221(575.1)

Муталова Дилором Маҳмадҷоновна

СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2010

**Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодиёт
университетида бажарилган.**

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдурахмонов Олим Қаландарович.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Жўраев Абдуғаффор Сафарович;
иқтисод фанлари номзоди
Адизов Акрамжон Жумабоевич.

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Солиқ
академияси.**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил “___” _____ соат “___” да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил “___” _____да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
Кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари доктори**

Ф. Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида солиқ сиёсатининг асосий вазифаси бир тарафдан давлат учун, иккинчи тарафдан солиқ тўловчилар учун мақбул бўлган солиққа тортиш вариантларини ишлаб чиқиш ва солиқ амалиётига жорий қилишдан иборатдир.

Солиқ соҳасида шундай талабларга жавоб бера оладиган вариантлардан бири бўлиб, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш ҳисобланади.

Бу тартиб ўзининг ихчамлиги билан солиқ ҳисоб – китобларини кескин камайитиришга, аванс тўловларидан воз кечилишига, ҳисоб-китоб ишларининг енгиллаштирилишига, унга сарфланадиган меҳнат ва моддий харажатларнинг пасайитирилишига, хатоларга камроқ йўл қўйилишига, солиққа тортиш ва солиқни ундириш харажатлари камайитирилишига ва солиқ юки пасайитирилишига хизмат қилади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Дастур доирасида амалга оширилган яна бир муҳим тадбиримиз - солиқ юкини енгиллаштириш, **солиққа тортиш тизимини соддалаштириш** ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб – қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир»¹, - деб таъкидлаган эди.

Таҳлиллар кўрсатишича, солиққа тортишнинг ушбу самарали тартибида қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Шунинг учун ушбу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган мазкур диссертация иши мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқ тизими, солиққа тортиш назарияси ва амалиёти масалалари хорижий иқтисодчи олимлар И.Александров, М. Блауг, А. Кочетков, Дж. Кейнс, К. Макконнелл, Н. Миляков, А. Паскачев, У. Петти, В. Пушкарева, Д. Рикардо, А. Смит, Н. Тургенев, Д. Черник, Т. Юткиналар² томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар О.Абдурахмонов, М. Альмардонов,

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.; Ўзбекистон, 2010.–35 б.

²Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов.-М.: Соцэкгиз, 1962.-408 с.; Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. Том 1. –М.: Госполитиздат, 1955. – 354 с.; Петти У. Трактат о налогах. - М.: Эконом – ключ, 1995 – 169 с.; Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег (избранные произведения). - М.: Экономика,1983.-518с.; Макконнелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. –М.: ИНФРА-М, 2006. -940 с.; Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе (Пер. с англ., 4 изд.) –М.: Дело Лтд.,1994. –720 с.; Тургенев Н. Опыт налогов. – Санкт - Петербург, 1818.-344 с.; Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учеб.-М.: Изд.-ко - торг.корп. “Дашков и К”, 2009 –314 с.; Кочетков А.И. Самоучитель по исчислению налогов. Учебное пособие. - М.: ИПАК, 2007. -368 с.; Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. –М.: Инфра, 2008, -520 с.; Паскачев А.Б. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: Высшее образование, 2008, -384 с.; Пушкарева В. История финансовой мысли и политики налогов. –М.: ИНФРА-М., 1998.- 345 с. ; Налоги и налогообложение. Под редакцией академика Черника Д. Г. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. -311с.; Юткина Г.Ф. Налоги и налогообложение. Учеб. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 509 с.

А.Адизов, А. Ваҳобов, Э. Гадоев, А. Жўраев, Т. Маликов, О. Олимжонов, Х. Собиров, Ш. Тошматов, Б. Тошмуродова, Н. Ҳайдаров, Н. Қўзиева, Қ. Яхъяевлар³ томонидан солиқ назарияси ва амалиётини такомиллаштириш бўйича фундаментал масалалар билан бир қаторда, айрим солиқ турларини ва умуман солиққа тортишни такомиллаштиришнинг умумий масалалари чуқур ўрганиб чиқилган. Н.Б. Ашурова⁴ ва А.М. Амановларнинг⁵ илмий ишларида ушбу диссертация мавзусининг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида қўлланиладиган ягона ер солиғини таҳлил этиш натижасида А.М. Аманов томонидан фермер хўжаликларига солиққа тортиш объекти сифатида фойдага қаратилган солиқни ҳисоблаш услубиётига, яъни солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибига қайтиш, Н.Б. Ашурова томонидан эса, ягона ер солиғининг ставкасини индексациялаш лозимлиги таклиф этилган бўлиб, ягона солиқ тўлови ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқлар чуқур ўрганилмаган.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибининг тадбиркорлик фаолиятига самарали таъсири инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида долзарб ва кам ўрганилган мавзу эканлиги, унинг тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация мавзусининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу мавзу Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

³ Абдурахманов О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой. Монография. – М.: Издательство “Палеотип”, 2005. – 356 с.; Абдурахманов О.К. Налоговые системы зарубежных стран. Монография. – М.: Издательство “Палеотип”, 2005. – 376с.; Адизов А.Ж. Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар тизимини такомиллаштириш масалалари. Иқт. фан.номз. илмий дар. олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2008. – 22 б.; Альмардонов М.И. Солиқ тизимининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири. Монография. –Т.: ТМИ, 2003, -223 б.; Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1996. -128 б.; Жўраев А. С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. –Т.: Фан, 2004.-243 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 204 б.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. – Тошкент: Академия, 1999. - 254 б.; Собиров Х.Р., Фаттахов А.А., Иминов О.Н. «Налогообложение малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан» - Т., Молия , 2000. -114 с.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Тошкент, Fan va technologya.– 2008.– 204 б.; Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. –Т.: ТМИ,2004.-135 б.; Ҳайдаров Н. Молия. I-қисм. -Т.: Академия, - 2001. - 185 б.; Қўзиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмининг такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, - 296 б.; Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази., 2003, - 247 б.

⁴ Ашурова Н. Б. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда солиқ механизмининг таъсири. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2008. – 22 б.

⁵ Аманов А.М. Дехқон ва фермер хўжаликларини солиққа тортишни такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2009. – 22 б.

Тадқиқот вазифалари. Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, илмий ишда қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган солиққа тортиш тизимидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби мазмун-моҳиятини очиш ва унинг афзалликларини асослаб бериш;
- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини қўллашнинг хориж тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистон шароитига тўғри келадиган жиҳатларини амалиётга татбиқ қилиш таклиф этиш;
- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида қўлланиладиган ягона солиқ тўловини такомиллаштириш йўллари асослаб бериш;
- ягона ер солиғи амалиётидаги муаммоларни аниқлаш ва уни бартараф этиш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқларни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар киритиш;
- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби тизими ва ушбу тартибда ишловчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

Тадқиқот предмети тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш жараёнида содир бўладиган молиявий - иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари иқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, индукция ва дедукция.

Тадқиқот гипотезаси диссертация ишида солиқ тизимини, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштириш борасидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини фақат кичик бизнес субъектларига нисбатан қўлланиш зарурияти илмий асосланди;
- ягона солиқ тўлови ва ягона ер солиқлари бўйича солиққа тортиш объектларини такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилди;
- умумий овқатланиш корхоналарида ягона солиқ тўлови ставкаларини ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган иш, хизмат учун сарф этилган меҳнат миқдоридан келиб чиқиб табақалаштириш мақсадга мувофиқлиги таклифи ишлаб чиқилди;
- яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқларни даромад олиш ҳудуди бюджетига ундирилиши мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

Илмий янгилиги:

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибининг иқтисодий моҳияти асосланди;

- хўжалик юритувчи субъектларга кичик бизнес субъекти мақомини берувчи мезонни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

- ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқларнинг афзалликлари ва камчиликлари илмий асослаб берилди;

- ягона солиқ тўлови шароитида ишлашга рухсат берилмаган айрим кичик бизнес субъектларига ҳам рухсат бериш бўйича илмий таклиф ишлаб чиқилди;

- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқларни қўллаш соҳасининг муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий–амалий аҳамияти. Ишнинг илмий- амалий аҳамияти шундаки, унинг натижаларидан солиқ органлари ва бошқа ташкилотлар келаси давр бюджет параметрларини белгилашда, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштиришда фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Солиқларнинг макроиқтисодий муаммолари» ва «Солиққа тортишнинг долзарб муаммолари» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси томонидан (2009 йил 4 июндаги 16/2-6511 сонли далолатнома) амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Ушбу илмий ишнинг асосий ғоя ва хулосалари

«Иқтисодий ислохотлар амалда: муаммолар ва ечимлар» (Тошкент, 2005);

«Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини шакллантириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб масалалари» (Тошкент, 2007);

«Роль ученых женщин в научно-техническом развитии» (Ташкент, 2007);

«Иқтисодиётни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат молиясини ислоҳ қилиш йўналишлари» (Тошкент, 2007);

«Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари» (Тошкент, 2008); «Двадцатые международные Плехановские чтения» (Москва, 2007) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида (2009 йил 23 январдаги 3-сонли баённома) ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги

илмий семинар мажлисида (2010 йил 18 мартдаги 3-сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Диссертация натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши натижалари саккизта илмий мақола ва олти та маъруза тезис кўринишида chop этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 132 бетдан иборат бўлиб, унда 24 та жадвал, бешта расм ва ундан ташқари учта иловалар келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида унинг самарадорлигини ошириш ва аҳолининг турмуш даражасини узлуксиз ўстириб бориш кўп жиҳатдан солиқ сиёсатининг амалга оширишнинг механизмига боғлиқ.

Солиқ сиёсатининг самарадорлик даражаси қатор омиллар билан белгиланиб, улар ичида тўғридан-тўғри, бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида солиқ тизими ва унинг таркибини такомиллаштириш масалалари муҳим ўрин тутди. Солиқ тизими таркиби қанчалик мукамал ташкил этилса, солиқ юки даражасининг оптималлашувига шунчалик самарали таъсир кўрсатади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Солиқ тизими ислохотлар жараёнининг таркибий қисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омили бўлгани ҳолда, иқтисодий ислохот мақсадларига энг кўп даражада мувофиқ келиши шарт»⁶.

Ислохотларнинг дастлабки йилларида иқтисодийда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар ва аҳолининг турмуш даражаси яхшиланишига алоҳида эътибор қаратилиши - ҳаражатлар миқёси ошиб кетишига ва мутаносиб равишда солиқ тушумлари кўпайтирилишига олиб келди.

Солиқ тизимининг иқтисодий ислохотлар дастлабки босқичидаги ҳолати таҳлили қуйидаги камчиликлар мавжудлигини кўрсатди:

- фискал солиқ сиёсатини амалга ошириш юқори ставкаларни қўллаш орқали амалга оширилди;

- солиқ тизими устун даражада фискал функциясини бажарганлиги учун корхоналар даромадларининг ярми солиқларни тўлашга сарфланиши оқибатида, уларнинг инвестицияга сарфлашлари мумкин бўлган жамғармалари миқдори кескин пасайиб кетди ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръатлари сезиларли даражада қискарди.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида давлат солиқ тушумларини кўпайтиришнинг солиқ ставкаларини кўтариш йўлини эмас, балки солиққа тортиш базасини кенгайтириш орқали амалга ошириш йўлини

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995, -204 б.

танлаб олди. Бунинг учун солиққа тортиш базасини кенгайтиришнинг кам харажат талаб қиладиган ва тезкор амалга ошириш имконини берадиган кичик бизнесни жадал суръатлар билан ривожлантириш йўли танлаб олинди.

Кичик бизнесни ривожлантиришнинг самарадорлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «...кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқироzi даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради»⁷, - дея таъкидлаб, кичик бизнесни жадал суръатлар билан ривожлантириш заруратининг устувор вазифа бўлиб қолишини белгилаб бердилар.

Ушбу муҳим вазифани бажариш учун кичик бизнес субъектларига мос келадиган солиққа тортиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, қуйидаги сабабларга кўра объектив заруриятга айланганди:

- кўпчилик кичик бизнес субъектлари оладиган даромади оз бўлгани учун улар барча умумбелгиланган солиқларни зўрға тўлашлари мумкин эди;

- мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шаклланиши шароитида иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор вазифалари сифатида рақобат муҳити яратилишига алоҳида эътибор қаратилди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг солиқларни ҳисоблаш, ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш, ҳамда уларни солиқ идоралари олдида ҳимоя қилишга кетадиган харажатларини минималлаштиришга ва умумбелгиланган солиққа тортиш тартибини юритиш учун етарли миқдорда малакали ходимларни ишлатишга имкониятлари йўқ эди, ўз навбатида, солиқ идоралари ҳам кўплаб майда солиқ тўловчилар устидан солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш бўйича катта харажатларга йўл қўяр эдилар. Натижада, ундириб олинадиган солиқ тушумлари шу солиқларни йиғиб олишга сарфланадиган харажатлар ўрнини қоплашнинг ўзига ҳам етмай қолишига сабаб бўларди.

Шунинг учун кичик бизнес субъектларининг солиққа тортиш механизмини соддалаштириш - солиқ турлари, солиқ ҳисоби шакллари ва ҳисоботлар сонини камайтириш, солиқ тўловчиларга тушунишларини осонлаштириш ва солиқларни тўлаш муддатларини бир ойдан йил чорагигача узайтириш солиқ юкини давлат эҳтиёжларини тўла қондириш билан бирга, солиқ тўловчилар манфаатларига тўлиқ жавоб бера олиш даражасига етказиш имконини берувчи солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини солиқ амалиётига жорий этиш орқали эришиш имконини берди. Ушбу амалга оширилган тадбирнинг самарали эканлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Иккинчи асосий устувор йўналиш – бу ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, бюджет–солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантиришдан иборат... Иқтисодиётни

⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. -46 б.

эркинлаштиришда, биринчи навбатда, солиқ юкини камайтириш, **солиққа тортиш тизимини соддалаштириш** ва унификация қилиш масалалари муҳим ўрин тутди»⁸, - деган фикрлари илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибининг самарадорлигини эътиборга олиб, катта-кичиклигидан қатъий назар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, хусусий нотариал идоралар ва лотерея ўйинлари ўтказувчи ташкилотлар ҳам солиққа тортишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқсиз соддалаштирилган тартибга ўтказилди.

Солиқ Кодексида «солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартибидир ва ягона солиқ тўлови»ни, «ягона ер солиғи»ни ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича «қатъий белгиланган солиқ»ни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилишини, шунингдек мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоби ва ҳисоботи тақдим этилишини назарда тутди»,⁹- деб белгиланган.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари тўловчи ягона солиқ тўлови ва қатъий белгиланган солиқ тушумлари ҳозирда республика бюджети даромадларини ва тўғри солиқларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари таркибида ягона солиқ тўлови ва қатъий белгиланган солиқнинг тутган ўрни¹⁰, (фоиз ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
1	Ягона солиқ тўлови (ягона солиқ)					
	Тўғри солиқларда	9,32	9,13	8,52	8,11	7,93
				17,62*	17,43*	17,12*
	Бюджет жами даромадларида	2,44	2,36	2,04	1,99	1,83
2	Тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиғи					
	Тўғри солиқларда	4,98	5,26	4,44	4,57	4,72
	Бюджет жами даромадларида	1,30	1,36	1,06	1,09	1,11

* Ягона солиқ тўлови тўловчи кичик бўлмаган корхоналар билан бирга

Жадвалдан кўриниб турибдики, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари

⁸ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Халқ сўзи газетаси 2008 йил 9 февраль.

⁹ Солиққа оид қонун ҳужжатлари. 2008 йил. –Т.: «NORMA», 2008. -238, 239 б.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

тўловчи ягона солиқ тўлови тушумлари 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси жами бюджет даромадларининг 1,83 фоизини ташкил қилган ҳолда, тўғри солиқларнинг 7,93 фоизини ташкил этган, бу солиқни тўловчи кичик бўлмаган тадбиркорлик субъектларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда уларнинг улуши тегишли равишда 4,01 ва 17,12 фоизни ташкил этган.

Шу даврда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиғининг улуши жами бюджет даромадларининг 1,11 ва тўғри солиқларнинг 4,72 фоизини ташкил этган.

Тадқиқот жараёнида олиб борилган хўжалик юритувчи субъектлар солиқ амалиётининг таҳлили, уларни ягона солиқ тўловига ўтказиш солиқ юкининг ҳам ўзгаришига олиб келганини кўрсатди (2 - жадвал).

2 – жадвал

Ягона солиқ тўлови тўловчиларида солиқ юки динамикаси, (фоиз ҳисобида)¹¹

	Ягона солиқ тўлови тўловчилари	2004 й*.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
1	“SALOBAT” кичик саноат корхонаси	11,33	9,64	7,77	8,00	8,00
2	“PCY-3” кичик қурилиш корхонаси	-	23,41	10,00	8,00	8,00
3	«Tasis Ўқув Маркази» кичик Корхонаси	15,20	13,00	10,00	8,00	8,00
4	“Маҳамат Карвон” савдо корхонаси	4,40	5,00	5,00	4,00	4,00
5	«Янги Себзор» умумий овқатланиш корхонаси	-	11,68	9,98	9,96	9,90
6	«ВАХИДОВА Ф.М» хусусий нотариал идораси	52,20	51,72	50,00	50,00	50,00
7	«National Football Lottery» лотерея ўйинларини ўтказувчи ташкилот	-	35,33	33,00	33,00	33,00

*Ягона солиқ тўлови солиқ амалиётига 1.07.05 йилдан киритилгани учун таҳлил тўлиқ йиллар бўйича ўтказилди.

Жадвал маълумотларидан ягона солиқ тўлови дастлаб имтиёз сифатида фақат кичик бизнес субъектлари қўллашлари учун ишлаб чиқилганига қарамай, ушбу солиққа умумий овқатланиш корхонаси, хусусий нотариал идораси ва лотерея ўйинларини ўтказувчи ташкилотлар катта – кичиклигидан қатъий-назар, ўтказилганини кузатиш мумкин. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Тўртинчидан: нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда»¹², - деб белгилаб берганларига қарамай, амалга оширилган.

¹¹Тегишли корхоналар маълумотлари асосида тузилган.

¹² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 63 б.

Фикримизча, ушбу тадбирлар мамлакатимизда кичик бизнесни жадал суръатлар билан ривожлантириш устувор вазифа қилиб қўйилган бир вақтда, кичик бизнесни оддий корхоналар даражасига тушириб қўяди, яъни кичик бизнесга солиқ соҳасида берилган имтиёзлар юқоридаги корхоналар соясида сезилмай қолади.

Тадқиқот ишида олиб борилган таҳлиллар кичик бизнесга тегишли бўлмаган хўжалик субъектларини ягона солиқ тўлови тизимига ўтказиш кутилган натижаларни бермаётганлигини кўрсатди. Фикримизча, ягона солиқ тўлови тизимини имтиёз сифатида фақат жадал суръатлар билан ривожлантириш устувор вазифаси қўйилган ходимлар сони чегараланган кичик бизнес субъектлари учунгина қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Аммо, ушбу ҳолда кичик бизнесга тегишли бўлмаган корхоналар кичик бизнес субъектларига бериладиган имтиёзлардан фойдаланиш мақсадида асоссиз равишда кичик бизнес субъектлари қаторига қўшилишга ҳаракат қиладилар.

Ушбу ҳолатнинг олдини олиш учун корхона ва ташкилотларга «кичик бизнес субъекти» мақомини берувчи мезонни тўғри танлаб олмоқ лозим.

Ўзбекистон солиқ амалиётида хўжалик юритувчи субъектларга «кичик бизнес субъекти» мақомини олиш ҳуқуқини берувчи шундай мезон сифатида «ишловчилар сони» қабул қилинган, аммо бу кўрсаткич қатор камчиликларга эга.

Фикримизча, мезон сифатида «кичик бизнес субъекти» мақомини бериш учун «ишловчилар сони» ни эмас, балки «энг кўп одам ишлайдиган сменадаги ишловчилар сони» кўрсаткичини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Уни жорий қилиш, инвестицияларни қўшимча сарфламаган ҳолда иш жойларини кўпайтириш, янги қурилиш учун лозим бўлган ер майдонини тежаш (чунки, бу мезонни қўлланилганда қўшимча иш жойлари қўшимча қурилиш ҳисобига эмас, балки амалдаги иш жойлари сонини оширишга қўшимча равишда 2 ёки 3 смена ташкил қилиш ҳисобига эришилади), солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва пировард натижада солиқ юқини оптималлаштиришга имкон беради.

Айрим кичик бизнес субъектлари солиққа тортишда ўзларига берилган ҳуқуқдан фойдаланиб, ягона солиқ тўлови тизимига ўтишни истамаётирлар. Таҳлилларимиз кўрсатишича, ягона солиқ тўловига ўтиш айрим ҳолларда кичик бизнес субъектларида солиқ юқини пасайтириш ўрнига ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолатнинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Кичик бизнес субъектларида ходимлар сони чегараланган бўлгани сабабли, улар учун кам меҳнат, вақт ва моддий харажатлар сарфлаш имконини берадиган ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган солиққа тортиш тартиби ишлаб чиқилган эди. Хусусан, ягона солиқ тўлови умумбелгиланган тартибдаги бешта солиқ тури ва давлатнинг бюджетдан ташқари махсус жамғармаларига ажратмалар ўрнига тўланади.

Ўрни босиладиган солиқларнинг биринчиси - солиққа тортиш объекти «фойда» кўрсаткичи бўлган, юридик шахслар фойдасига солиқни


оладиган бўлсак, агар солиқ тўловчи ҳисобот даврини фойдасиз тугатса, фойда солиғини тўламайди. Аммо, ҳозир ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти бўлган «ялпи тушум» кўрсаткичи корхона ҳисобот даврининг пировард молиявий натижасини ҳисобга олмайди, чунки корхонага пул тушуми тушавериши натижасида ягона солиқ тўловини тўлайверишга мажбур бўлади ва ушбу ҳолат уларга доимий равишда ҳисобот даврини зарар билан тугаллаш эҳтимоллиги хавфини вужудга келтиради.

Ягона солиқ тўлови ўрнини босадиган иккинчи солиқ тури - қўшилган қиймат солиғи истеъмолчи томонидан тўлангани учун кичик бизнес субъектининг солиқ юкига таъсир этмайди.

Учинчи солиқ тури - сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ фақатгина тор доирадаги тадбиркорлик мақсадида сувдан фойдаланувчи кичик бизнес субъектлари томонидан тўланади ва у жуда кичик суммани ташкил этади.

Тўртинчи ва бешинчи солиқ турлари - мол-мулк ва ер солиқлари, ҳамда бюджетдан ташқари махсус жамғармаларга ажратмаларнинг солиқ юкига таъсири жуда кам.

Таҳлиллар кўрсатишича, кичик бизнес субъектларининг ягона солиқ тўлови тизимига ўтиши меҳнат, вақт ва моддий харажатларни камайтириш имконини бериш билан биргаликда, кўпинча солиқ юкининг ошиб кетишига сабаб бўлар экан. Бу эса, кичик бизнес субъектларининг солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига бўлган қизиқишларининг камайтилишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолатни 1- расм ва 1- жадвал маълумотлари исботлайди.



1 – расм. Кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг динамикаси, (фоиз ҳисобида)¹³

1-расмдан кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектларининг ялпи ички

¹³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

махсулотдаги улуши охирги 5 йилда 38,2 фоиздан 50 фоизгача ошгани ҳолда, уларнинг солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида фаолият юритаётганлари тўлайдиган ягона солиқ тўлови тушумлари улуши шу даврда жами бюджет даромадларининг 2,44 фоизидан 1,83 фоизгача пасайган (1-жадвалга қаранг).

Шунинг учун, ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти сифатида корхона фаолиятининг пировард молиявий натижаларини ҳисобга олувчи кўрсаткични қўллаш лозим.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби асосан кичик бизнес субъектларига мўлжалланган бўлишига қарамадан, Солиқ Кодексига мувофиқ акцизоти маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар «ягона солиқ тўлови» тўловчилари қаторига кириш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Аммо, республикамизда амалда бўлган солиқ сиёсатида асосан, солиққа тортишнинг муҳим тамойилларидан бири – мулкчилик шаклидан қатъий назар, бир хил мақомдаги солиқ тўловчиларни солиққа тортишда «тенг ҳуқуқлилик» тамойилини таъминлаш зарурати ва қонунчилик томонидан тақиқланмаган акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари ва солиқ органларининг солиқларни ҳисоблаш, ҳисоботлар тузиш ва топшириш (қабул қилиш), солиқларни бюджетга тўлаш (ундириш) билан шуғулланувчи ходимлар ишининг максимал даражада камайиши натижасида улар сонини қисқартириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқларни ундириш бўйича харажатларни камайтириш мақсадида акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларининг ҳам «ягона солиқ тўлови» тизимига ўтиб ишлашига рухсат бериш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу ҳолда бюджетга тушиши лозим бўлган солиқ тушумлари миқдорининг пасайиши мумкин бўлган суммаси ўрнини «ягона солиқ тўлови» ва акциз солиғи ставкаларини ошириш ҳисобига тўлдириш мумкин.

Ўзбекистон солиқ амалиётида солиқ ставкалари миқёсини белгилаш тартиби билан боғлиқ айрим муаммолар мавжуд. Маълумки, солиқ ставкаларини белгилаш асосида қатор омиллар билан биргаликда маҳсулот ёки хизматнинг бир бирлигига сарфланадиган меҳнат миқдори ҳам ётади. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқсак, умумий овқатланиш корхоналари тўлайдиган ягона солиқ тўлови ставкалари корхоналар амалга оширадиган турлича меҳнат


талаб қиладиган фаолиятининг турига қараб поғоналаниши лозим.

Умумий овқатланиш корхоналарининг рентабеллик даражаси ниҳоятда юқорилигини эътиборга олиб, бу корхоналар тўйхона сифатида қўлланилганда, улар тўлайдиган ягона солиқ тўловига даромад бирлигига сарфланадиган меҳнат сарфининг фарқига қараб, рентабеллик даражасига мос келадиган юқори солиқ ставкалари қўллашни таклиф этамиз.

Биз киритаётган таклифни амалиётга татбиқ этиш, солиқ юкини белгилашда ижтимоий адолат тамойилларига риоя этиш, яъни умумий овқатланиш корхонаси режалаштирилган рентабеллигига эришган ҳолда, бюджетга тушадиган ягона солиқ тўлови тушумлари миқдорининг ошишига

ва инвестицияларни савдо ва умумий овқатланиш соҳаларидан иқтисодиётнинг реал сектори ишлаб чиқариш тармоқлари фойдасига қайта тақсимлашга имкон берган бўлур эди.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида қўлланиладиган солиқ турларининг иккинчиси бўлган ягона ер солиғининг қўлланиш амалиётини ўрганиш, Ўзбекистон Республикасида ягона ер солиғи масаласида ҳам муаммолар борлигини кўрсатди. Масалан, ҳозирги вақтда ягона ер солиғининг солиққа тортиш базаси сифатида ер участкаларининг меъёрий қиймати қўлланилади, аммо ушбу кўрсаткич фермер хўжалиги пировард молиявий натижаларини ҳисобга олмайди, чунки ер участкаларининг меъёрий қиймати ўзгармас бўлгани учун ҳисобот даври қандай тугалланишидан қатъий-назар солиқ тўлайверишга мажбур бўлади ва уларга доимий равишда ҳисобот даврини зарар билан тамомлаш хавфини туғдириб туради. Бунга қўшимча равишда кўчмас мулк сифатида ернинг нархи узлуксиз ошиб бориши натижасида ер участкаларининг меъёрий қиймати ҳам қимматлашиб бориши мумкин. Шуниндек, барча ресурс солиқлари каби ягона ер солиғи ставкаси ҳам узлуксиз ўсиб бормоқда, (2 - расм).



2-расм. Ягона ер солиғи ставкалари динамикаси, (фоиз ҳисобида)¹⁴

Аммо, фермер хўжаликлари ўзларининг пировард молиявий натижаларини ягона ер солиғининг солиққа тортиш базаси ва солиқ ставкаларининг ўсишига мутаносиб равишда ўстиришга эриша олмаяптилар.

Фикримизча, ягона ер солиғининг ер нархига боғлиқ бўлмаган ва фермер хўжаликларининг пировард молиявий натижаларини назарда тутадиган солиққа тортиш базасини қўллаш лозим.

Таҳлиллар кўрсатишича, соддалаштирилган солиқ тартибининг амал қилишида услубий муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, якка тартибдаги тадбиркор даромадни қайси ҳудуддан топишига қарамасдан, солиқларни фақат яшаш жойидаги солиқ идорасига тўлайди. Аммо, бу ижтимоий адолат

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

талабларига зиддир, чунки даромад берувчи ҳудудда шу фаолият билан шу ҳудуд фуқароси шуғулланиши ва даромад қилиши мумкин эди.

Яна бир услубий муаммо - ягона солиқ тўловини тўловчи кичик бизнес субъектлари ходимлари сони «кичик бизнес субъекти» мақомини бериш учун белгиланган мезон чегарасидан чиқиб кетса, ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қоладилар ва жорий йилнинг қайси вақтида ҳуқуқдан маҳрум бўлганларидан қатъий назар, фақат кейинги ҳисобот йилидан бошлаб солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибига қайтиб ўтишга мажбур бўладилар. Бу ҳолда улар ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши лозим.

Аммо, қайта ҳисоб-китоб ўтказувчи субъект ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини қўшилган қиймат солиғисиз юклаб жўнатиб бўлган бўлади, чунки ягона солиқ тўлови тизимида ишлаётган корхона ўзида ишловчилар сонининг чегараланган меъёридан чиқиб кетишини олдиндан тахмин қилаолмайди.

Натижада, юклаб жўнатган маҳсулоти бўйича қўшилган қиймат солиғини қўшимча ҳисоблашга тўғри келади, лекин бу маҳсулотни сотиб олган истеъмолчилар эса қўшилган қиймат солиғини энди қўшимча тўлаб беришга, албатта, рози бўлмайдилар ва оқибатда истеъмолчидан ундириб олинмаган қўшилган қиймат солиғи корхона зиммасига тушади.

Шундай қилиб, ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган кичик бизнес субъектлари келаси йил бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқ тартибига ўтадиган бўлса, қўшимча равишда ўтган давр учун барча умумбелгиланган солиқларнинг ўзинигина ҳисобламасдан, балки шу давр учун яна ягона солиқ тўловини ҳам ҳисоблашга мажбур бўлади.

Ҳозирда ягона солиқ тўловини тўловчилар қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширсалар, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашлари ва рад этишлари мумкин. Солиқ Кодексига мувофиқ рад этиш фақат келаси йилнинг бошидан амалга оширилиши мумкин.

ХУЛОСА

Диссертация ишида Ўзбекистон Республикасида солиққа тортишнинг самарали йўналиши бўлган – соддалаштирилган тартибини такомиллаштириш бўйича қуйидаги **илмий хулосалар** шакллантирилди:

1. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш - солиқ турлари, солиқ ҳисоби шакллари ва ҳисоботлар сонини камайтириш, солиқ тўловчиларга тушунишларини осонлаштириш, ҳисоботлар топшириш ва солиқларни тўлаш муддатларини узайтириш ва пировард натижада солиқ юқини оптималлаштириш имконини беради.

2. Ўзбекистонда солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига ўтган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқларнинг республика бюджети даромадларини шакллантиришдаги улуши юқори бўлмасада, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш нуқтаи-назаридан аҳамияти юқори.

3. Ўзбекистонда солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш шартлари чет мамлакатлардагига нисбатан оддий ва ушбу тартибга ўтишга қарши тўсиқлар сони кам.

4. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибига ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар солиқ амалиётининг таҳлили солиққа тортишнинг бу прогрессив тартибида ҳам айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Тадқиқот жараёнида амал қилаётган солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф** ва **амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида қўлланиладиган ягона солиқ тўлови фақат кичик бизнес субъектлари учун имтиёз сифатида қўлланилишини ёқлаб, кичик бўлмаган корхоналарни ушбу имтиёздан маҳрум этиш мақсадга мувофиқ.

2. Кичик бизнесга берилган имтиёзлардан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар асосиз фойдаланишларининг олдини олиш мақсадида «кичик бизнес субъекти» мақомини бериш мезонини такомиллаштириш зарур. Бунда «кичик бизнес субъекти» мақомини «ишловчилар сони» кўрсаткичини эмас, балки «энг кўп одам ишлайдиган сменада ишловчилар сони» кўрсаткичини қўллаш зарур.

3. Соддалаштирилган солиқ тартиби асосан кичик бизнес субъектларига мўлжалланган бўлишига қарамасдан, Солиқ Кодексида акцизости маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар «ягона солиқ тўлови» тўловчилари қаторига кириш ҳуқуқига эга эмаслар. Республикамизда амалда бўлган солиқ сиёсатида асосан солиққа тортишнинг муҳим тамойилларидан бири – мулкчилик шаклидан қатъий-назар, бир хил мақомдаги солиқ тўловчиларни солиққа тортишда тенг ҳуқуқлилиги тамойилини таъминлаш зарурати ва кичик бизнес субъекти бўлган акцизости маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларга солиққа тортиш бўйича харажатларни камайитириш мақсадида «ягона солиқ тўлови» тизимига ўтиб ишлашга рухсат бериш мақсадга мувофиқ.

4. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида қўлланиладиган ягона солиқ тўловининг солиққа тортиш объекти сифатида корхона фаолиятининг пировард натижаларини ҳисобга олувчи «ялпи даромад» ёки «даромад ва харажатлар орасидаги фарқ» кўрсаткичини қўллаш таклиф этилади.

5. Солиқ ставкалари миқёсини белгилаш асосида маҳсулот ёки хизматнинг бир бирлигига сарфланадиган меҳнат миқдори ётади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, умумий овқатланиш корхоналари нисбатан кам

харажатлар талаб қиладиган тўй ва маросимлар ўтказиш учун қўлланилганда, ягона солиқ тўлови учун улар оладиган даромад бирлигига сарфланадиган меҳнат сарфининг миқдorigа қараб табақалаштирилган ставкалари белгиланиши лозим.

6. Ягона ер солиғининг ер нархига боғлиқ бўлмаган ва фермер хўжаликларининг пировард молиявий натижаларини назарда тутадиган солиққа тортиш базасини қўллаш лозим.

7. Ҳозирги пайтдаги солиқ ундириш амалиётига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор даромадни қайси ҳудуддан олишига қарамасдан, солиқни фақат яшаш жойидаги солиқ идорасига тўлайди. Фикримизча, якка тадбиркор даромадни қайси ҳудуддан ишлаб топса, шу ҳудуд бюджетига тўлашини жорий этиш зарур.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Муталова Д.М. Соддалаштирилган – ягона солиқ тизимига ўтиш – солиқ тизимини такомиллаштиришнинг самарали йўналишидир// ТДИУ магистрантлари илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент, 2005, - Б. 163-164.
2. Муталов А., Муталова Д.М. Кичик бизнес субъектлари орасида ўғайлари борми? Бизнингча йўқ// Солиқ тўловчининг журнали. –Тошкент, 2007, -№ 1. -Б. 43-44.
3. Муталова Д.М. Важное направление либерализации налоговой политики Республики Узбекистан // Журнал налогоплательщика, -Ташкент, 2007, - № 2.- С. 32-33.
4. Муталов А., Муталова Д. Хўжалик юритувчи субъектларга кичик бизнес субъекти мақомини бериш мезонларини такомиллаштириш// Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.-Тошкент, 2007. - Б. 54-55.
5. Муталова Д.М. Упрощенная система налогообложения и развитие малого бизнеса в Республике Узбекистан// Материалы Республиканской научно-практической конференции.–Ташкент, 2007. - С. 227-228.
6. Муталова Д.М. Соддалаштирилган солиқ тизими-солиққа тортишнинг энг самарали тизимидир// Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент, 2007. - Б. 49.
7. Абдурахманов О.К., Муталова Д.М. Новое направление в налогообложении доходов физических лиц// Двадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов.–Москва, 2007.- С. 273-274.
8. Абдурахманов О.К., Муталова Д.М. Упрощенная система налогообложения в Республике Узбекистан // Экономика и финансы. - Москва, 2008, - № 3. - С. 54-56.
9. Муталов А., Муталова Д.М. Пути совершенствования упрощенной системы налогообложения// Журнал налогоплательщика, -Тошкент, 2008, -№ 1. - С. 27-28.
10. Муталов А., Муталова Д.М. Етти ўлчаб бир кесганга нима етсин: ялпи тушумми ёки ялпи даромад?// Солиқ тўловчининг журнали.–Тошкент, 2008, - №7. - Б. 31-32.
11. Муталова Д.М. Қатъий белгиланган солиқлар ва уларни такомиллаштириш йўллари// Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент, 2008.- Б. 94.
12. Муталова Д.М. Единый земельный налог и пути его совершенствования// Журнал налогоплательщика.-Ташкент, 2008, -№ 45.-С. 36.
13. Муталов А., Муталова Д.М. Иш жойига қаралса, қандай бўларкин?// Солиқ тўловчининг журнали, - Тошкент, 2008, -№ 12. -Б. 27-28.
14. Муталов А., Муталова Д.М. Якка тадбиркор-юртга мададкор// Солиқ тўловчининг журнали. -Тошкент, 2009, -№11. -Б.37-38.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Муталова
Дилором Маҳмадҷоновнанинг 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва
кредит» ихтисослиги бўйича «Солиққа тортишнинг соддалаштирилган
тартибини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: солиқ тизими, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими, ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, қатъий белгиланган солиқлар, кичик бизнес субъекти, солиққа тортиш объекти ва солиққа тортиш базаси.

Тадқиқот объекти сифатида солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиб тизими ва ушбу тартибда ишловчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

Тадқиқот мақсади — иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари иқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, индукция ва дедукция.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини фақат кичик бизнес субъектларига нисбатан қўлланиш зарурияти асосланди; ягона солиқ тўлови ва ягона ер солиқлари бўйича солиққа тортиш объектларини такомиллаштириш таклифлари ишлаб чиқилди; умумий овқатланиш корхоналарида ягона солиқ тўлови ставкаларини ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган иш учун сарфланган меҳнат миқдоридан келиб чиқиб табақалаштириш мақсадга мувофиқлиги асосланди; яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқларни даромад олиш ҳудуди бюджетига ундирилиши мақсадга мувофиқлиги илмий асосланди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан келаси давр бюджет параметрларини белгилашда, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибида солиқ элементларидан ўз ўрнида ва тўғри фойдаланишда, умуман солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси фаолиятида амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш», «Солиқ назарияси», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Солиқларнинг макроиқтисодий муаммолари» ва «Солиққа тортишнинг долзарб муаммолари» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Муталовой Дилором Махамаджоновны на тему: «Совершенствование упрощенной системы налогообложения» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 - «Финансы, денежное обращение и кредит»

Ключевые слова: налоговая система, упрощенная система налогообложения, единый налоговый платеж, единый земельный налог, фиксированные налоги, субъект малого бизнеса, объект и база налогообложения.

Объекты исследования: система упрощенного порядка налогообложения и субъекты предпринимательства, переведенные на упрощенный порядок.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию упрощенного порядка налогообложения в условиях модернизации экономики.

Методы исследования: экономический анализ, группировка, сравнение, пофакторный анализ, индукция и дедукция.

Полученные результаты и их новизна: научно обоснована целесообразность применения упрощенного порядка налогообложения только для субъектов малого бизнеса; разработано предложение по совершенствованию объектов налогообложения единого налогового платежа и единого земельного налога; обоснована целесообразность разработки многоступенчатой системы ставок единого налогового платежа на предприятиях общественного питания, исходя из затрат труда на производство единицы продукции или выполненной работы; научно обоснована целесообразность уплаты фиксированных налогов индивидуальными предпринимателями в бюджет территории, дающей доход.

Практическая значимость: разработанные научные предложения и практические рекомендации могут быть использованы при определении параметров бюджета будущих периодов для уместного и правильного использования элементов налогов упрощенного порядка, а также в совершенствовании упрощенного порядка налогообложения.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования приняты Государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан для внедрения в практическую деятельность.

Результаты исследования могут быть использованы при совершенствовании учебных программ и обучении курсов «Налогообложение малого бизнеса и предпринимательства», «Теория налогов», «Налоги и налогообложение», «Макроэкономические проблемы налогов», «Актуальные проблемы налогообложения» в высших учебных заведениях.

Область применения: Министерство финансов, Государственный Налоговый Комитет, высшие учебные заведения.

R E Z U M E

Thesis of Mutalova D.M. on the scientific degree competition of the Candidate of Sciences in economics, on speciality 08.00.07-“Finances, money circulation and credit”, subject: “Perfection of simplified taxation order”.

Key words: tax system, simplified taxation order, single tax payment, single land tax, fixed tax, small business subjects, the object and base of taxation.

Subjects of research: Proprietorship subjects, which are transferred to simplified taxation system.

Purpose of work: working out the science-based suggestions on perfecting the simplified taxation order based on scientific-economic analysis of the present-day state of the above-mentioned system.

Methods of research: economic analysis, grouping, comparing actual analysis, induction and deduction.

The results obtained and their novelty: the economic significance of the simplified taxation system and simple tax payment single land tax, fixed taxes used in simplified taxation order system have been found out; the author has also found out their advantages and disadvantages, based on a deep analysis of taxation order of different house holding subjects, which had been transformed to simplified order the author has also determined the degree of influence of each type of simplified taxation order to the subjects activity in the sphere of taxation; the author has also revealed the taxation problems in the sphere of their usage and some science-based suggestions for eliminating them have been worked out.

Practical value: the results of the research can be used in determining the budget parameters of future periods, pertinent and right usage of simplified tax system elements and perfection of simplified taxation order.

Degree of embed and economic effectively: the results of the research are approved and recommended to be used in practical activity of the State Taxation Committee of the Republic of Uzbekistan.

The result of the research can also be used in teaching special subjects, as “Taxation of small business and proprietorship”, “Theory of taxes”, “Taxes and taxation”, “Macroeconomic problems of Taxation”, “Vital problems of taxation”.

Field of application: Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan, Higher Education Institutions.

Тадқиқотчи: